16. Регион ЦА и все международное сообщество продолжают испытывать мощное негативное влияние наркопроизводства в ИРА, которая закрепила за собой имидж мирового лидера по производству наркотических средств опийной группы. Рост производства наркотиков в Афганистане и их транзит через сопредельные страны в РФ, ЕС, КНР и другие государства ведет к росту уровня коррупции, усугублению социально-экономических проблем, служит источником финансирования и терроризма, а в отдельных государствах даже приводит к деморализации институтов власти и дестабилизации ситуации.

17. Попытки западных держав и США по усилению военного присутствия в Афганистане не способствуют обеспечению национальной

безопасности отдельных государств Центральной Азии и всей региональной безопасности, рост геополитического соперничества и милитаризации ведет к напряженности и недоверию в регионе.

18. Определенное снижение уровня секьюритизации афганской проблемы государствами ЦА может оказать содействие в развитии политико-экономических и культурно-гуманитарных связей. Перманентная драматизация и очень частое упоминание афганского конфликта в официальной риторике представителей региональных стран ведет к формированию чрезмерно негативного имиджа Афганистана внутри этих стран и препятствует налаживанию бизнес-контактов между ЦА и ИРА. Кроме этого, слишком частое заострение внимания международной общественности на афганской проблеме ведет к формированию ошибочного суждения о неблагоприятной ситуации в сфере безопасности в самих государствах ЦА и снижению их инвестиционной привлекательности в связи с мнимыми рисками создания новых компаний на соседних с афганским конфликтом территориях. Ограниченное и эволюционное устранение имеющихся рестрикций в политических, экономических и культурно-гуманитарных отношениях между региональными странами и Афганистаном поможет устойчивому развитию и стабильности всех участников данного процесса.

19. Узбекистан заинтересован в создании стабильного, развивающегося государства в Афганистане с органами власти, способными взять под свой контроль ситуацию в стране. Только в этом случае можно обеспечить безопасность региона, что, несомненно, послужит устойчивому развитию Узбекистана. Оказываемая Узбекистаном помощь в социально-экономическом развитии Афганистана является значительной. Современная ситуация в Афганистане открывает перед Узбекистаном новые потенциальные возможности по дальнейшему развитию двусторонних отношений и предположению мер по урегулированию конфликтного положения в соседней стране.

По итогам проведенного комплексного исследования мы выдвигаем несколько **предложений и рекомендаций** по урегулированию афганского конфликта и совершенствованию политики Республики Узбекистан в отношении Афганистана:

1. За последние 40 лет проявились серьезные изъяны централизованной унитарной формы правления в Афганистане. Переход к федеративному политическому устройству, в случае утверждения подобного решения на общенациональном референдуме, может способствовать повышению ответственности властей провинций за их безопасность и экономическое развитие, а также обеспечить учет мнений представителей провинций и разных политических групп. Столкновения интересов политических групп, кланов и племен препятствуют централизации Афганистана. Безусловно, эти идеи изначально следует обсудить с участием широкого круга афганских ученых, политических и общественных деятелей,

которые сами должны определиться в этом вопросе и проявить готовность к его проработке.

2. Выдвижение Узбекистаном инициативы по созданию площадки для проведения переговоров между противоборствующими сторонами в Афганистане может опираться на ранее предложенную инициативу по созданию контактной группы «6+3» и стать ее логическим развитием. Считаем целесообразным участие на этом форуме всех стран ЦА, Китая, России, Ирана, Пакистана, Индии, Турции с предложением присоединиться к этой площадке США, ведущим странам ЕС (Великобритания, Германия, Франция, Италия), а также арабским монархиям Персидского залива (Саудовская Аравия, Катар и ОАЭ). Формирование этой площадки под эгидой ООН как важнейшей универсальной международной организации и ШОС как важного регионального механизма обеспечения безопасности и развития может способствовать ее эффективности и авторитетности. Важно обеспечить присутствие на ней всех противоборствующих сил Афганистана и создать им платформу для выступлений с их предложениями, интересами, целями и приоритетами.

В этом вопросе ШОС представляется уникальной организацией, где практически все ее члены имеют возможности способствовать решению афганской проблемы – государства ЦА (кроме Туркменистана, но Ашхабад неоднократно участвовал в заседаниях глав государств ШОС в качестве почетного гостя), Россия, Китай (в качестве полноправных членов), Пакистан, Индия (в качестве новых членов), Иран, сам Афганистан (в качестве наблюдателей) и Турция (в качестве партнера по диалогу). Инициирование и правовое закрепление деятельности данного форума резолюциями Генеральной Ассамблеи и Совета Безопасности ООН обеспечит ей международно-правовой статус и признание.

3. В целях формирования предполагаемой переговорной площадки необходимо провести широкое обсуждение данной инициативы в ходе конференций, «круглых столов», научных семинаров с привлечением известных зарубежных и национальных специалистов и исследователей. Следует организовать конференцию высокого уровня для обсуждения данной инициативы в г.Ташкент при участии представителей МИД, ведущих правительственных и неправительственных аналитических центров указанных государств.

При содействии посольств Республики Узбекистан важно провести серию мероприятий в государствах пребывания с привлечением ведущих ученых и экспертов по проблемам безопасности Центральной Азии, Афганистана, в том числе угроз в виде международного терроризма, наркотрафика. Полагаем нужным рассмотреть возможности выпуска совместных докладов аналитических центров Узбекистана с влиятельными исследовательскими структурами этих государств по изучению и оценке выдвигаемой инициативы.

4. Расширению изучения Афганистана и связанных с ним проблем безопасности в Центральной Азии может содействовать введение

специального курса по этим вопросам в Университете мировой экономики и дипломатии, Ташкентском государственном институте востоковедения и Высшей школе стратегического анализа и прогнозирования Республики Узбекистан.

5. Необходимо усилить борьбу с производством наркотиков в Афганистане. Страны Центральной Азии могли бы оказать значительную помощь в этом вопросе. Например, в рамках недавно созданного Центральноеазиатского регионального информационного координационного центра по борьбе с незаконным оборотом наркотических средств, психотропных веществ и их прекурсоров в Алматы. Необходимо развивать взаимодействие между полномочными антинаркотическими ведомствами стран Центральной Азии, РФ, КНР, Ирана, Пакистана, Индии, США, ЕС, Афганистана и другими заинтересованными странами путем формирования необходимой правовой основы сотрудничества, проведения согласованных крупных операций по ликвидации наркосиндикатов и лабораторий по производству наркотических средств, пресечению поставок прекурсоров на афганскую территорию из зарубежья.

6. Участие Узбекистана в перспективном восстановлении Афганистана целесообразно сконцентрировать на создании необходимой экономической инфраструктуры, развитии сфер образования и здравоохранения. Исходя из экономических возможностей республики, полагаем важным поначалу обратить внимание на невысоко затратные проекты в приграничных с Узбекистаном афганских провинциях. Строительство недорогих образовательных и медицинских объектов, участие в реконструкции исторических памятников, близких по архитектурному облику к отечественным достопримечательностям, а также участие в создании мест культурного досуга, несомненно, послужит укреплению взаимопонимания, добрососедства между населением двух республик, что укрепит имидж и авторитет нашей страны в Афганистане и на международной арене.

7. Считаю, что поддержка и предоставление льгот национальным компаниям-экспортерам продукции в Афганистан могли бы подтолкнуть их к поиску новых рынков и росту товарооборота между нашими странами. Учитывая неразвитость производства товаров в ИРА, и значительный промышленный потенциал Узбекистана при географической близости с важным прямым железнодорожным маршрутом предоставляют нашей республике конкурентные преимущества в торговле с Афганистаном.

8. На первом этапе открытие дилерских сетей наших компаний при поддержке афганских партнеров в относительно спокойных северных провинциях и Кабуле минимизирует риски узбекских производителей и поможет увеличить экспортный потенциал. Перспективными товарами для экспорта в ИРА являются продукты питания, строительные товары, кожаные изделия, продукция легкой и автомобильной промышленности, бытовая техника, химические удобрения и др. Учитывая, что объем импорта Афганистана составляет более 7 млрд. долл. США, а объем товарооборота

между РУз и ИРА всего около 600 млн. долл. США, узбекстанская сторона обладает большим потенциалом, еще не полностью реализованным.

9. В экономической сфере считаем целесообразным продолжить расширение перечня экспортируемой на афганский рынок продукции из Узбекистана. Особое внимание следует уделить отправке в Афганистан большегрузных автомобилей производства СП ООО «JV MAN Auto-Uzbekistan», автобусов и грузовых автомобилей малой и средней грузоподъемности производства ООО «СамАвто», лекарственных средств национальных фармацевтических компаний, мебельной продукции, строительных материалов (сухие строительные смеси, цемент, лакокрасочные материалы, железобетонные изделия, алюминиевые композитные панели, поливинилхлоридные профили для производства окон и дверей и др.), электротехнического оборудования, национальных изделий из стекла и фарфора, текстильной продукции и др.

10. Расширение экономического сотрудничества сложно добиться в условиях отсутствия прямого авиасообщения между Узбекистаном и Афганистаном. Налаживание этих путей обсуждалось на межправительственном уровне, и, учитывая ситуацию в сфере безопасности, полагаем возможным на первом этапе проработать вопрос открытия авиасообщения между аэропортами Ташкента и Мазари-Шарифа. Обстановка в этом центре северной провинции сравнительно спокойней, чем в других. В случае успешности этого маршрута на следующем этапе можно рассмотреть открытие авиасообщения с г. Кабул.

11. Необходимо приложить усилия для создания в Афганистане взаимовыгодной инфраструктуры. С учетом опыта прокладки железной дороги в этой стране узбекстанские строители могли бы участвовать в возведении крупных объектов, к примеру, продолжить линию железной дороги из Мазари-Шарифа до Герата для соединения с железнодорожной системой Ирана. Под такие проекты можно получать и международные кредиты, грантовые средства. Узбекстанская сторона может при поддержке международных доноров участвовать в ремонте и реконструкции жизненно важного для коммуникаций перевала Саланг.

12. Развитие внутрирегионального сотрудничества в ЦА по афганской проблеме с учетом серьезности потенциальных вызовов и угроз из Афганистана может стать крепким фундаментом в создании регионального совещательного механизма с участием стран региона ЦА по координации действий в афганском направлении. Согласованная позиция стран ЦА в отношениях с Афганистаном приведет к более последовательному и принципиальному отстаиванию общих интересов, укреплению системы региональной безопасности. Считаем целесообразным создание постоянно действующего Совещания на уровне глав МИД стран ЦА по обсуждению региональных вопросов, где особое внимание будет уделяться ликвидации афганского конфликта.

13. Проведение переговоров с Туркменистаном и Таджикистаном по развитию сотрудничества и обмену информацией о положении в

приграничных районах, создание правовой базы сотрудничества между пограничными ведомствами трех стран также будут способствовать обеспечению региональной безопасности.

14. Несомненно, важной частью развития сотрудничества с Афганистаном является расширение контактов в культурно-гуманитарной сфере. Организация фестивалей и концертов известных узбекских исполнителей в северных провинциях ИРА поможет развитию контактов и установлению лучшего понимания между народами Узбекистана и Афганистана. Можно обдумать вопрос о гастролях ведущих театральных трупп Узбекистана в отдельных афганских провинциях по согласованию с правительством ИРА и при обеспечении гарантий безопасности.

15. Важной составляющей культурно-гуманитарного сотрудничества нужно считать взаимодействие в сфере образования. Следует продумать вопрос организации обучения афганских студентов в ведущих высших образовательных учреждениях Афганистана. Учитывая значительные потребности ИРА в высококвалифицированных кадрах, можно создать условия для обучения афганских студентов (20-30 человек в год на начальном этапе) по следующим специальностям: инженерно-техническое, строительство, здравоохранение, педагогика, менеджмент, информационно-коммуникационные технологии. На первом этапе эту программу можно организовать длительностью в один академический семестр для небольшого количества слушателей из Афганистана; в случае успешной реализации экспериментальной программы можно планировать расширение количества студентов и увеличение длительности обучения. Считаем полезным обеспечить афганские школы и ВУЗы с узбекским языком обучения необходимой учебной (адаптированной под образовательные нормы Афганистана) и художественной литературой.

ЖАХОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017 Tar/Yu/I/S/24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖАХОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВ АКРАМ АЗАМАТОВИЧ

XXI АСР БОШИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАВИЙ
ХАВФСИЗЛИГИДА АФҒОНИСТОН ОМИЛИ

23.00.04 – Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа
таракқиётининг сиёсий муаммолари

СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Siyos37 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uwed.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Файзуллаев Алишер Амануллаевич
сиёсий фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Туляганова Ниҳола Узбековна
сиёсий фанлар доктори, профессор

Бобокулов Иномжон Ибрагимович
юримдик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар
институту**

Диссертация ҳимояси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017 Tag/Yu/I/S/24.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100192, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54. “Б” бино, 103-хона) Тел.: (99871) 267-67-69; факс: (998971) 267-09-00; e-mail: rektorat@uwed.uz.

Диссертация билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100192, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54 Тел.: (99871) 267-67-69;

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги ___-рақамли реестр баённомаси)

И.А. Хамедов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, ю.ф.д., профессор

Н.А. Нугманов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, ю.ф.н., доцент

Қ.А. Жураев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, с.ф.д, доцент

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Афғонистондаги можароли вазият қарийб 40 йилдан буён Марказий Осиё (МО) минтақавий хавфсизлигига таҳдид солаётган асосий муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Жаҳон ҳамжамияти узоқ йиллар давомида ушбу мамлакатнинг турли кўринишдаги мутаассиб шахслар, экстремист ва террорчилар учун полигонга айланаётганига бефарқ қараб келди. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, оқибатлар билан курашиш ҳар доим унинг сабабларини ўз вақтида бартараф қилишдан кўра қийин бўлиб келган. МО минтақасидаги барча мамлакатлар Афғонистон Ислом Республикаси (АИР)да тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишининг муҳимлигини ҳис қилиб, мазкур мамлакатдаги миллий ярашиш жараёнига катта аҳамият қаратишмоқда.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг илк кунлариданок миллий манфаатларга асосланган, фаол ва ҳар томонлама пухта ўйланган ташқи сиёсат олиб бориши мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини, унинг минтақавий ва халқаро масалалардаги аҳамиятини мустаҳкамлаб келмоқда. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг илк қадамлариданок дунё ҳамжамияти эътиборини Афғонистон муаммосига қаратишга ҳаракат қилди ҳамда «Афғонистон худудида тинчлик ва барқарорликка эришиш бутун Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизликнинг муҳим омили»¹¹ эканлигини таъкидлади. Ушбу ёндашув ҳозирги кунга қадар ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади ва «Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш нафақат минтақавий, балки глобал хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шarti»¹² эканлигига эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, «кўшни Афғонистондаги тинчлик Марказий Осиёнинг барқарор ва изчил ривожланиш истиқболларини тўлиқ рўёбга чиқариш учун имкон яратишига»¹³ алоҳида урғу берилмоқда.

Афғонистондаги мавжуд ҳолатни ўрганиш бўйича жаҳонда бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бунда ушбу мамлакатдаги можароли вазиятни барқарорлаштириш истиқболлари, унинг халқаро ва минтақавий хавфсизликка салбий таъсирига алоҳида эътибор қаратилмоқда. АИРнинг энг янги тарихи муаммолари, шу жумладан, 2001 йилдан сўнг Афғонистонда бошланган сиёсий жараёнлар, МО минтақасида хавфсизлик соҳасидаги вазиятнинг асосий ривожланиш тенденциялари, ушбу минтақа мамлакатларининг Афғонистон билан ҳамкорлиги ҳамда уларнинг АИРдаги ижтимоий-иқтисодий тикланиши ва вазиятни тартибга солишдаги иштирокини ўрганиб, Ўзбекистон Республикасининг ушбу йўналишдаги ташқи сиёсатининг истиқболлари учун таклифлар ишлаб чиқиш зарурати

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг НАТО саммитидаги нутқи. // Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати, 3 апрель 2008 й. http://www.uza.uz/uz/politics/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-islom-karimovning-nato-sammitidagi-nutqi-03.04.2008-2989?sphrase_id=89237

¹² Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади. // Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати, 20 сентябрь 2017 й. <http://president.uz/uz/lists/view/1063>

¹³ Ўзбекистон ва Афғонистон муносабатларида янги саҳифа. // Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати, 6 декабрь 2017 й. <https://mfa.uz/uz/press/news/2017/12/13297/>

ушбу диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамиятини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи сиёсий фаолият Концепцияси тўғрисида»ги (2012), «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги (1995) қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси (1995), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони (2017) ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» дастури устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Афғон можароси ва уни МОдаги минтақавий хавфсизликка таъсири илмий доиралар томонидан ниҳоятда кенг ёритиб берилган бўлиб, мазкур мавзуга халқаро коалиция иштирокчи-давлатлари илмий марказлари ва Марказий Осиё ҳамда Ўрта Шарқ минтақаларини ўрганувчи хорижий тадқиқот марказлари томонидан ҳам тўхталиб ўтилган. Машҳур ғарб тадқиқотчиларидан А.Сайкал (A.Saikal) и У.Малей (W.Maley), Д.Кордовес (D.Cordovez) и С.Харрисон (S.Harrison), Дж.Кули (J.Cooley), Б.Рубин (B.Rubin), А.Джустоцци (A.Giustozzi), Р.Эллисон (R.Allison) и Л.Джонсон (L.Jonson), М.Макколи (M.McCauley), Д.Бургхарт (D.Burghart) и Т.Сабонис-Хелф (Th.Sabonis-Helf), Дж.Дорронсоро (G.Dorrnsoro), С.Джонс (S.Jones), Т.Барфилд (Th.Barfield), К.Нуржанов (K.Nourzhanov), Ф.Старр (F.Starr), М.Ларуэль, С.Пейруз, Й.Бунстру (M.Laruelle, J.Boonstra, S.Peyrouse) и С.Бланк (S.Blank)¹⁴ мазкур мавзуда бир

¹⁴ Saikal A. and Maley W. The Soviet Withdrawal from Afghanistan. – Cambridge: Cambridge University Press, 1989; Saikal A. Modern Afghanistan: A History of Struggle and Survival. – London: I.B.Tauris, 2004; Cordovez D. and Harrison S.S. Out of Afghanistan: the inside story of the Soviet withdrawal. – Oxford: Oxford University Press, 1995; Cooley J.K. Unholy wars: Afghanistan, America, and international terrorism. – London: Pluto Press, 2000; Rubin B.R. The Fragmentation of Afghanistan: State Formation and Collapse in the International System. – New Haven: Yale University Press, 1995; Rubin B.R. The Search for Peace in Afghanistan: From Buffer State to Failed State. – New Haven: Yale University Press, 1995; Rubin B.R. Afghanistan from the Cold War through the War on Terror. – Oxford: Oxford University Press, 2013; Giustozzi A. War, politics and society in Afghanistan, 1978-1992. – Washington D.C.: Georgetown University Press, 2000; Giustozzi A. The next Congo: Regional Competition for Influence in Afghanistan in the Wake of NATO Withdrawal. – Washington D.C.: The George Washington University, 2013; Allison R., Jonson L. Central Asian Security: the new international context. – London: Royal Institute of International Affairs, 2001; McCauley M. Afghanistan and Central Asia: A Modern History. - London: Pearson Education, 2002; Burghart D. and Sabonis-Helf Th. (In the Tracks of Tamerlane: Central Asia's Path to the 21st Century. – Washington D.C.: National Defense University Center for Technology and National Security Policy, 2004; Dorrnsoro G. Revolution Unending: Afghanistan, 1979 to the Present. – New York: Columbia University Press, 2005; Jones S.G. In the graveyard of empires: America's war in Afghanistan. – New York: W.W.Norton & Company Ltd., 2009; Barfield Th. Afghanistan: A Cultural and Political History. – Princeton: Princeton University Press, 2010; Saikal A. and Nourzhanov K. Afghanistan and Its Neighbors after the NATO Withdrawal. Lexington Books, 2016; Nourzhanov K. Changing security threat perceptions in Central Asia // Australian Journal of International Affairs, 2009; Starr S.F. A regional approach to Afghanistan and its neighbors. - The National Bureau of Asian Research, 2008; Boonstra J., Laruelle M., Peyrouse S. The Impact of the 2014 ISAF Forces' Withdrawal from Afghanistan on the Central Asian Region. - European Union, 2014; Blank S. Central Asian Perspectives on Afghanistan After the US Withdrawal // Afghanistan Regional Forum, No. 2, November 2012.

катор ишларни эълон қилганлар. Покистонлик мутахассис А.Рашид (A.Rashid)¹⁵ афғон можароси, Марказий Осиёдаги жараёнлар ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги масалалари бўйича таниқли эксперт ҳисобланади. Афғон можароси табиатини тадқиқ қилган ҳамда Хитой Халқ Республикаси (ХХР) ва Эроннинг мазкур мамлакатдаги сиёсатининг устувор йўналишларини тадқиқ қилган осиелик олимлар – хитойлик мутахассислар Чжао Хуашенг (Zhao Huasheng) и Ху Шишенг (Hu Shisheng)¹⁶, эронлик экспертлар А.Омиди (Ali Omid), К.Барзегар (Kayhan Barzegar), Ш.Акбарзадех (Shahram Akbarzadeh) и А.Надер (Alireza Nader)¹⁷ санаб ўтиш мумкин. Рус олимларидан В.Пластун и В.Андрианов, В.Коргун, М.Арунова, Д.Мальшева и А.Сушенцовлар¹⁸ ни алоҳида таъкидлаш лозим.

Марказий Осиёдаги геосиёсий ўзгаришлар ва афғон можаросининг минтақавий жараёнларга таъсири масалалари билан Марказий Осиёлик тадқиқотчилар С.Акимбеков, А.Князев, К.Искандаров и Т.Джумаев¹⁹ шуғулланишган. Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хавфлар ҳамда Афғонистондаги вазиятни қўшни давлатларга таъсири кесимида ўрганиш масалаларига ўзбекистонлик олимлар алоҳида эътибор қаратишган бўлиб, улар қаторида Н.Туляганова, Р.Алимов, У.Хасанов, Ш.Акмалов, И.Бобокулов, В.Парамонов, С.Гафуров, С.Ибрагимова, С.Саидолимов, А.Файзуллаев²⁰ ва бошқаларни санаб ўтиш

¹⁵ Rashid A. *The Resurgence of Central Asia: Islam or Nationalism?* – Oxford University Press, 1994; Rashid A. *Taliban: Militant Islam, Oil and Fundamentalism in Central Asia*. – New Haven: Yale University Press, 2000.

¹⁶ Huasheng Zh. *Afghanistan and China's new neighbourhood diplomacy* // *International Affairs*, 2016; Huasheng Zh. *China and Afghanistan: China's interests, stances, and perspectives*. – Washington: Center for Strategic and International Studies. March 2012; Shisheng H., Pantucci R., Sawhney R. and Winterbotham E. *Communication, Co-operation and Challenges: A Roadmap for Sino-Indian Engagement in Afghanistan*. – London: Royal United Services Institute for Defence and Security Studies. February 2016.

¹⁷ Omid A. *Iran and the security of Afghanistan after NATO's pullout* // *Iranian Review of Foreign Affairs*, Summer 2012. Vol. 3, No. 2; Kayhan Barzegar *Iran's Foreign Policy in Post-Taliban Afghanistan*. *The Washington Quarterly*, Summer 2014; Shahram A. *Iran's Policy towards Afghanistan: In the Shadow of the United States* // *Journal of Asian Security and International Affairs*, 2014, Vol 1. Alireza N., Laha Joya. *Iran's Balancing Act in Afghanistan*. – RAND Corporation, 2011.

¹⁸ Пластун В., Андрианов В. *Наджибулла. Афганистан в тисках геополитики*. – М.: Русский биографический институт, 1998 г; Коргун В. *Формирование и эволюция политической системы современного Афганистана, 1919-1999 гг.* – М.: Институт востоковедения РАН, 2000; Коргун В. *История Афганистана. XX век*. – М.: Институт Востоковедения РАН, 2004; Коргун В. *Россия и Афганистан: Исторические пути формирования образа России в Афганистане*. – М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2009; Арунова М. *Афганская политика США в 1945-1999 гг. (краткий очерк)*. – М.: Институт изучения Израиля и Ближнего Востока, 2000; Мальшева Д. *Центральноазиатский узел мировой политики*. – М.: ИМЭМО РАН, 2010; Сушенцов А. *Малые войны США: политическая стратегия США в конфликтах в Афганистане и Ираке в 2000–2010-х годах*. – М.: Аспект Пресс, 2014.

¹⁹ Laumulin M. *The Geopolitics of XXI Century in Central Asia*. – Almaty: Kazakhstan Institute for Strategic Studies, 2007; Сыроежкин К. (ред.). *Центральная Азия сегодня: вызовы и угрозы*. – Алматы: КИСИ при Президенте РК, 2011; Акимбеков С. *Афганский узел и проблемы безопасности Центральной Азии*. – Алматы: Таймас Принтхаус, 2003; Князев А. *Афганский кризис и безопасность Центральной Азии (XIX — начало XXI в.)*. – Душанбе: Дониш, 2004; Искандаров К. *Общественно-политические движения в Афганистане: 1945-2001: Диссертация доктора исторических наук*. – Душанбе: Институт востоковедения и письменного наследия Академии наук Республики Таджикистан, 2004; Джумаев Т. *Внешняя политика Туркменистана в 1991-2006 гг.: Дисс. канд. полит. наук*. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский государственный университет, 2013. – Стр. 214

²⁰ Туляганова Н.У. *Афганский конфликт и его последствия в контексте становления новой системы безопасности в Центральной Азии: Дис. док. полит. наук*. – Ташкент: УМЭД, 2006.; Туляганова Н.У. *Внешиполитические инициативы Республики Узбекистан по урегулированию афганского конфликта*. –

мумкин. Улар афғон можаросининг ривожланиши, Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик масалалари, ташқи кучларнинг таъсири ва минтақавий хавфсизликка раҳна солувчи таҳдидларни бартараф этиш муаммолари бўйича аниқ таҳлилларни бериб ўтишган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган илмий ишларда асосан Афғонистондаги вазиятнинг алоҳида жиҳатлари, афғон ҳукуматининг халқаро ҳамкорлар билан муносабатлари ва қисман мазкур можаронинг МО минтақасига таъсири ўрганилган. Афғонистонда рўй бераётган воқеаларнинг МО минтақасига таъсири Н.Туляганованинг ишларида фундаментал ва тизимли асосда тадқиқ этилган бўлсада, бу тадқиқотнинг яқунланганига 10 йилдан ошиқроқ муддат ўтди ва мазкур давр Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналиши бўлган афғон масаласини миллий мафаатларидан келиб чиқиб қайта таҳлил қилиш ва вазиятни англаб етишни талаб қилмоқда. Сўнгги йилларда Афғонистондаги вазиятнинг ривожланиши, айниқса, 2014 йилда халқаро коалиция кучларининг асосий қисми олиб чиқиб кетилиши натижалари бўйича фундаментал тадқиқотларга эҳтиёж сезилмоқда.

Марказий Осиё сифатида биз юқорида келтириб ўтилган муаллифлар билан бир қаторда, 5 мамлакатни ўз ичига олувчи ҳамда 1993 йил тасдиқланган геосиёсий маконни белгилаб олдик: Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон. Айни пайтда Марказий Осиё ва Афғонистоннинг яқинлигига янгича ёндашув билан қарашга ҳаракат қилдик.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети илмий-тадқиқот ишлар режасининг «Замонавий халқаро муносабатлар ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш муаммолари» йўналиши доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Афғонистон омилининг Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигига таъсир кўрсатиш даражасини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари.

Ташкент: УМЭД, 2014; Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.ашкент «Шарк», 2005; Хасанов У.А. Региональная безопасность и национальные интересы (Центральноазиатский регион). М.: Вагриус, 2004; Акмалов Ш.И. Проблема афганского урегулирования в современных пакистано-иранских отношениях: Дис. канд. полит. наук. – Ташкент: Ташкентский государственный институт востоковедения, 2002; Бобокудлов И. Центральная Азия как комплекс безопасности: теория и практика // Центральная Азия и Кавказ, 2012. - Выпуск № 3, том 15. – С.126; Парамонов В. Геостратегия США в Центральной Азии. – Ташкент: Ун-т мировой экономики и дипломатии, 2002; Гафуров С. Хавфсизлик стратегияси: Марказий Осиё ва Форс кўрфази давлатлари амалиёти. – Ташкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг нашриёти, 2007; Ибрагимова С. Международный терроризм как фактор угрозы безопасности Республики Узбекистан: Дис. канд. полит. наук. – Ташкент: Ташк.гос.ин-т востоковедения, 2006; Саидолимов С. Формирование системы региональной безопасности в Центральной Азии: Дис. канд. полит. наук. – Ташкент: Таш. гос. ин-т востоковедения, 2002; Файзуллаев А., Аллисон Р. (отв. ред.). Предотвращение региональных конфликтов и содействие стабильности в Центральной Азии и Афганистане: Материалы международной конференции (22-23 ноября 2004 г., Ташкент, Узбекистан). – Ташкент: УМЭД, 2005. – С. 240.

афғон можаросининг 2001 йилдан кейинги эволюцияси тарихини очиб бериш;

афғон можаросининг замонавий ҳолатига баҳо бериш ва минтақавий давлатларнинг Афғонистон Ислом Республикасидаги можарони ҳал этиш бўйича ёндашувларини таҳлил қилиш;

минтақавий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги вазиятнинг ривожланиши бўйича асосий тенденциялар ва уларнинг Ўзбекистон Республикасига таъсирини асослаш;

замонавий босқичда Афғонистондаги миллий ярашиш жараёнини мураккаблаштирувчи муаммоларни очиб бериш;

афғон халқининг миллий ва маънавий қадриятлари ҳамда тарихининг мамлакатдаги замонавий вазиятга таъсирини тадқиқ қилиш;

Афғонистонда тинчликни ўрнатиш ва барқарор ривожланишни йўлга қўйиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишларига доир таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигининг Афғонистондаги вазият билан мутаносиблиги ташкил этади.

Тадқиқот предметини МО минтақавий хавфсизлигининг муҳим омили сифатида афғон можаросини ҳал қилишнинг тенденциялари ва истикболлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мазкур тадқиқотда минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазият ва халқаро муносабатларни ўрганишда диалектик, тарихий солиштириш, тизимли ёндашув, структурали-функционал, мантиқий ва контент таҳлил, статистик ва ситуатив таҳлил қилиш ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мустақиллик даврида Ўзбекистоннинг Афғонистон можаросини тинчлик йўли билан ҳал қилишга қаратилган ташқи сиёсатининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, илмий асослари ва стратегик устувор йўналишлари тизимли тарзда очиб берилган;

Афғонистондаги ички сиёсий беқарорлик, ижтимоий-иқтисодий танглик, ташқи кучлар манфаатларининг ўзаро мос келмаслиги ҳамда турли террористик гуруҳларнинг фаоллиги мамлакатдаги можароли вазиятнинг асосий сабабчилари эканлиги аниқланган;

Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ўзбек-афғон ҳамкорлигини аниқ дастурлар билан янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Афғонистондаги мураккаб вазиятни барқарорлаштиришда Марказий Осиё давлатлари ёндашувларини мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлигини кучайтириш негизида афғон сиёсий кучлари ўртасидаги конструктив мулоқотни йўлга қўйиш муҳимлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

АИРдаги вазиятни тартибга солиш масаласи бўйича Ўзбекистоннинг замонавий босқичдаги ёндашувлари тизимлаштирилган;

Ўзбекистон Республикасининг Афғонистон билан сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари бўйича ташқи сиёсатини такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган;

ушбу кўшни давлатдаги можаровий вазиятни ҳал этишга янги ёндашувлар келтирилган;

Марказий Осиё минтақасидаги афғон муаммосининг ўрни назарий жиҳатдан янгича тушунтирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Диссертацияда тадқиқот мавзусига оид 280 та адабиёт ва манбалардан фойдаланилган. Ҳимояга тақдим қилинаётган иш муаллифнинг давлат бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари ва илмий нашрларни батафсил таҳлили ва мулоҳазасининг маҳсули бўлиб, мазкур материаллар афғон можароси ривожланишининг муаммолари, моҳияти ва йўналишларини Марказий Осиё хавфсизлигига таъсири нуқтаи назаридан очиқ бериш имконини беради. Олинган маълумотлар ишончли бўлиб, таҳлил натижалари юқори савияда талқин қилинган, хулосалар эса етарли даражада асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, тақлиф этилаётган назарий хулосалар, амалий тақлиф ва тавсиялар Марказий Осиё мамлакатлари ва кўшни давлатлар хавфсизлиги масалалари бўйича турли тадқиқотлар олиб боришда, шунингдек, сиёсатни шакллантирувчи давлат ва хусусий тузилмалар томонидан қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертация материаллари Ўзбекистоннинг Афғонистонда бўлаётган ходисаларга нисбатан ташқи сиёсатини олиб боришда, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Миллий хавфсизлик хизмати институти ва Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби талабалари (бакалавр ва магистрлар) учун МОда минтақавий хавфсизлик муаммолари ва Афғонистондаги можаровий вазият бўйича маърузалар ва амалий машғулотлар, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда ёрдам бериши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Илмий тадқиқот натижалари:

Афғонистондаги мавжуд ҳарбий-стратегик ва ички сиёсий вазият бўйича бир қатор муаллифлик хулосалари, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ўзбек-афғон ҳамкорлигини жадаллаштириш ҳамда юртимиздан АИРга экспорт қилинадиган маҳсулотлар ҳажмини кенгайтириш бўйича тақлифлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан ташқи сиёсатини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2017 йил 21 февралдаги 12/6199-сонли маълумотномаси). Натижада икки томонлама савдо айланмаси ва товарлар номенклатураси ўсиши кузатилди ҳамда Ўзбекистон-Афғонистон савдо уйлари ўз фаолиятини бошлашган;

Афғонистон билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигига таҳдидларни доимий равишда мониторинг қилиб боришда ва таҳлилий материаллар тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2017 йил 10 февралдаги 03/82-сонли маълумотномаси). Натижада хавфсизликка таҳдидларни бартараф этиш бўйича юртимизнинг мудофаа сиёсати такомиллаштирилган ҳамда Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг Афғонистон билан турли соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича республикамиздаги тегишли вазирлик ва идоралар учун таҳлилий ҳужжатларини тайёрлашда ҳамда чет эл илмий марказлари ва хавфсизлик соҳасидаги етакчи мутахассислар билан ўтказилган учрашувларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг 2017 йил 15 февралдаги 02/151-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида ҳамкорликнинг сезиларли кенгайишига ҳамда минтақавий хавфсизлик ва унга афғон ҳудудидан бўлаётган таҳдидларни ўрганиш бўйича халқаро илмий-амалий ҳамкорликни жадаллаштиришга хизмат қилган;

Халқаро муносабатлар бўйича ахборот-таҳлил марказининг Афғонистондаги вазиятнинг ривожланиши ҳамда унинг Марказий Осиё минтақавий хавфсизлиги ва барқарорлигига таъсирини ўрганиш бўйича ахборот-таҳлилий ҳужжатларини тайёрлаш жараёнида эътиборга олинган (Халқаро муносабатлар бўйича ахборот-таҳлил марказининг 2017 йил 17 февралдаги 05/15-сонли маълумотномаси). Ушбу хулосалар ва таклифлар Афғонистондаги вазиятнинг минтақамиз хавфсизлигига кўрсатаётган салбий таъсирини ўрганишга ва уни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 та республика миқёсдаги ҳамда 4 та халқаро анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 10 та илмий иш чоп этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрлар ҳам шулар жумласидандир (4 та мақола чоп этилган, жумладан, миллий журналларда 3 та мақола, халқаро журналда – 1 та).

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, саккизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан ташкил топган бўлиб, жами 146 бетли матндан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва унга талаб мавжудлиги асослаб берилади, тадқиқотнинг республикадаги фан ва технология соҳасидаги ривожланишнинг асосий йўналишлари билан алоқадорлиги, тадқиқ қилинаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг ушбу илмий иш ёзилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, илмий тадқиқот усуллари, илмий янгилик ва тадқиқотнинг амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларни амалиётга тадбиқи, тадқиқот натижаларининг апробацияси, диссертация бўйича чоп этилган ишлар ҳақида маълумот, диссертация тузилиши ва ҳажми келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **«Афғон можаросининг Марказий Осиёга таъсирини назарий асослаш»** номли биринчи бобида Афғонистондаги ҳолатнинг Марказий Осиёдаги барқарор тараққиётга таъсирининг назарий асослари, Марказий Осиё ва Афғонистоннинг бир-бирига ўзаро таъсири ривожининг ҳозирги ҳолатлари, шунингдек, Афғон муаммоси бўйича хорижий ва ўзбекистонлик етакчи олимларнинг тадқиқотлари таҳлил қилинган.

Мазкур бобнинг **«Афғон можаросининг Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик тизимига таъсирининг назарий асослари»** номли биринчи параграфиди Афғонистондаги ҳозирги ҳолат ва унинг Марказий Осиёдаги барқарорлик ва хавфсизликка таъсири Копенгаген хавфсизлик мактаби томонидан ишлаб чиқилган минтақавий хавфсизлик комплекси назарияси (МХКН) орқали таҳлил қилинган. Копенгаген хавфсизлик мактаби вакиллари Б.Бузан ва О.Вевернинг фикрига кўра, совет халқ хўжалиги комплекси таъсирида бўлган, яқин алоқалар сақланиб турган вақтда МОни Россия бошчилигидаги кенг минтақавий хавфсизлик мажмуи (МХК)нинг субкомплекси сифатида ўрганиш мумкин эди. Бироқ умумий тарихий, этник ва диний, иқтисодий ва маданий алоқалар, географик яқинлик Марказий Осиёнинг 5 мамлакати иштирокида сўнгги 25 йилда алоҳида хавфсизлик мажмуининг юзага келишига хизмат қилган. Ҳозирги кунда минтақадаги мамлакатлар ўзининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини СССР парчаланганидан кейинги даврга нисбатан сезиларли даражада мустаҳкамлади.

Афғонистон Темурийлар ва Бобурийлар даврида ҳозирги Қозоғистоннинг шимолий вилоятларидан (Олтин Ўрда) Ҳиндистоннинг қирғоқбўйи ҳудудларигача ёйилган минтақавий хавфсизлик мажмуи таркибига кирган. Россия империяси ва Буюк Британия ўртасидаги таъсир доираларини белгилаш ва Афғонистон ҳудудида «буфер ҳудуд»ни ўрнатиш борасидаги келишувдан сўнг Афғонистон инсуляторлик (ажратувчи) вазифасини бажарган. Фикримизча, Марказий Осиё МХК ва Жанубий Осиё МХК ўртасидаги ўзига хос чегара Афғонистоннинг марказий провинциялари орқали ўтади, айтилиши вақтда, мамлакатнинг шимолий ва шимоли-ғарбий провинциялари МО МХМга, жанубий ва шарқий провинциялар эса Жанубий Осиё МХКга яқин жойлашган. Афғонистондан тарқалаётган хавфсизликка

таҳдидларнинг МО давлатлари томонидан таҳлил қилишда АИРнинг МО билан умумий чегараларга эга Ҳирот, Бадгис, Фарёб, Жаузжон, Балх, Кундуз, Тоҳар ва Бадахшон провинцияларидаги ҳолат алоҳида аҳамият касб этади.

«Афғон инқирози халқаро илмий мунозарада (XX аср охири ва XXI аср боши)» номли иккинчи параграфда хорижий ва маҳаллий олимларнинг афғон можароси сабабларини ҳамда МОда минтақавий хавфсизликнинг сўнгги 25 йилда юзага келган муаммоларини ўрганиш бўйича олиб борган тадқиқотлари кўриб чиқилган. Афғонистондаги ҳарбий можаро ва унинг МО минтақавий хавфсизлигига таъсирига оид ишларнинг таҳлили муаммонинг тарихий сабабларини, ташқи кучлар ва айрим сиёсий арбоблар ролини, Афғонистондаги бугунги беқарор ҳолатнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда мураккаб жиҳатларини чуқурроқ тушуниш имконини беради.

Бироқ АИРдаги беқарорлашувнинг МО минтақавий хавфсизлигига таъсири бўйича ҳозирга қадар фундаментал тадқиқотлар деярли амалга оширилмади. Мазкур мавзу публицистик нашрларда, кўплаб таҳлил марказлари маъруза-хисоботлари ва илмий мақолаларида кенг муҳокама қилинмоқда, бироқ ушбу мавзу бўйича юқорида қайд этилган муҳим муаммони барча жиҳатларини қамраган тадқиқотлар ниҳоятда кам. Бизга аён бўлишича, муаллифлар ўз ишларнинг каттагина қисмида минтақадаги яқин тарих ва ҳозирги ҳолатни кўриб чиқиш билан чегараланишмоқда. Бироқ муаммонинг АИР ҳамда бутун минтақа тарихига боғлиқ бўлгани боис у МО аҳолисининг тарихи, қадриятлари ва менталитетига алоҳида эътибор қаратган ҳолда фундаментал тадқиқот олиб боришни талаб этади. Шунингдек, Афғон можаросига нисбатан умумий ёндашувнинг етарли эмаслиги, можаронинг МО ва қўшни мамлакатлар ривожланиши истиқболларига кўрсатаётган ҳозирги таъсирининг чуқур таҳлили етишмаслиги сезилмоқда.

«2001 йилдан сўнг Афғонистондаги ички сиёсий вазият» номли иккинчи бобда мамлакат ички сиёсий вазиятидаги ўзгаришлар ҳолати ва ўзгаришлар ривожини, «Толибон» ҳаракати фаолияти эволюцияси ҳамда Афғонистон ҳудудида мамлакат ва МО минтақаси хавфсизлиги учун янги таҳдид ҳисобланган ИШИД террорчилик гуруҳининг пайдо бўлиши ўрганилган.

«2001 йилдан сўнг Афғонистондаги ички сиёсий вазият ва унинг ривожланишининг ҳозирги ҳолати» деб номланган биринчи параграфда 2001 йил Афғонистонда халқаро коалиция кучлари операцияси бошланганидан кейинги ички сиёсий вазиятнинг ривожланиш жараёни кўриб чиқилган. 15 йил аввал бошланган ҳарбий операция яқунларига кўра, Афғонистон мураккаб ва башорат қилиш қийин бўлган мамлакат сифатида қолмоқда, чунки мушкул ижтимоий-иқтисодий масалалар комплексининг тартибга солинмаганлиги ҳамда хавфсизлик соҳасидаги жиддий муаммоларнинг кескинлашуви Афғонистоннинг ўзига ҳам, қўшни мамлакатларга ҳам сезиларли таҳдид сифатида намоён бўлди. Тинчликпарвар сиёсий музокаралар, донор мамлакатларнинг молиявий-иқтисодий ва гуманитар кўмаги ҳамда БМТнинг фаол иштироки орқали курашаётган

томонлар ўртасида мурасага эришиш қайд этилган муаммоларнинг ечимига айланиши мумкин.

«Толибон ҳаракатининг 2001 йилдан кейинг ривожланиши ва унинг фаолиятида кузатилаётган замонавий тенденциялари» номли иккинчи параграфда мамлакатда ҳарбий операция бошлангач, толибон кучларининг халқаро ҳарбий кучлар ва Афғонистон армияси ҳарбийларига қарши кураши босқичлари тадқиқ қилинган. Ҳозирда толибонлар ўсиб бораётган ўзаро ички зиддиятларига қарамай, Қобулдаги ҳукуматга қарши турган ва Афғонистоннинг пуштун аҳолиси орасида сезиларли даражада қўллаб-қувватланаётган асосий куч бўлиб қолмоқда. Ҳаракат Қобулдаги ҳукуматга ёнбосиш ниятида эмас. Толибонлар, шунингдек, мамлакатда ИШИД гуруҳининг фаолиятига қарши фаолияти ўрганилган.

«ИШИДнинг Афғонистондаги фаолияти: Марказий Осиё учун оқибатлари» деб номланган учинчи параграфда Афғонистон худудида террорчилик гуруҳи вакиллариининг пайдо бўлиши билан боғлиқ хавфли жараёнга эътибор қаратилган. Қатор қўшни минтақалар хавфсизлигини таъминлашда Афғонистоннинг стратегик муҳим аҳамиятини инобатга олган ҳолда, мамлакатда «Ислом давлати» фаолиятининг қамрови, унинг тарафдорлари мақсадлари ҳамда афғон можаросида янги жиддий акторнинг пайдо бўлиши оқибатларини таҳлил қилиш зарурияти туғилади. Ушбу гуруҳ аъзоларининг Афғонистондаги фаолияти Марказий Осиё хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатиши таъкидланган.

«МО мамлакатлари ва Афғонистон муносабатлари: хавфсизликка таҳдидлар ва ўзаро ҳамкорлик истиқболлари» номли учинчи бобда МО давлатларининг Афғонистон билан иккитомонлама муносабатлари, мазкур мамлакатнинг Ўзбекистон замонавий ташқи ва хавфсизлик сиёсатининг шаклланишидаги аҳамияти, Афғонистон томонидан МО хавфсизлигига солинаётган таҳдидлар ҳамда муаммони ШХТ кўмагида тартибга солиш истиқболлари ўрганиб чиқилди.

Ушбу бобнинг биринчи **«МО мамлакатларининг Афғонистон билан иккитомонлама муносабатлари»** номли параграфида афғон можаросининг Марказий Осиё минтақавий хавфсизлиги ва барқарорлигига кўрсатаётган доимий салбий таъсири тадқиқ қилинган. Шу билан бир вақтда, дунёнинг йирик мамлакатлари ҳарбий кучлари ва молиявий ресурслари жалб этилганига қарамай, можаронинг жадал тус олгани ва ўсиб бораётгани Афғонистоннинг ўзида ҳам, қўшни минтақаларда ҳам салбий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Ушбу параграфда Марказий Осиёдаги ҳар бир мамлакатнинг Афғонистонга нисбатан ташқи сиёсати, ушбу давлатлар хавфсизлигига афғон можаросидан келиб чиқаётган таҳдидлар ва уларни бартараф этиш йўлида олиб борилаётган ишлари кўриб чиқилади.

«Ўзбекистон ташқи сиёсатида Афғон омили» номли иккинчи параграфда Ўзбекистон ташқи сиёсий йўналишини шакллантиришда Афғонистондан тарқалаётган таҳдиднинг аҳамияти ҳамда Тошкент томонидан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий қайта тиклаш ва можарони

тинч йўл билан ҳал қилиш бўйича олиб борилаётган ҳаракатлар ўрганилган. Афғонистондаги ҳодисалар таъсири ва уларнинг Ўзбекистонга таҳдид солиш эҳтимолини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган миллий хавфсизлик ва ташқи сиёсий фаолиятни таъминлаш тизими барқарор ривожланиш ва тинчлик гаровига айланди. Ўзбекистон миллий хавфсизлик тизими юқори даражадаги огоҳлик ҳамда чегараолди ҳудудларида танглик юзага келтириш бўйича уринишларнинг олдини олиш борасида қатъий ҳаракатлар амалга оширишга доимий тайёрлиги, мамлакат қуролли кучларининг юртимизга қарши қаратилган исталган кўринишдаги ҳужумкор ҳаракатларни ўз вақтида етарлича қайтара олишга қодирлиги билан ажралиб туради.

Мазкур бобнинг «**Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришда иштирок этиши истиқболлари**» номли учинчи параграфида Афғонистондаги ҳолатни тартибга солишга ШХТни жалб қилиш истиқболлари қайд этилган. Фикримизча, афғон можаросини ҳал қилишда ШХТ форматидан фойдаланиш унга аъзо ва кузатувчи ҳар бир давлатнинг миллий манфаатларига, шунингдек, ташкилотнинг ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва узоқ муддатли ривожланиш билан боғлиқ мақсадларига ҳам тўғри келади. Иттифок доирасида сезиларли даражада кенг қамровли ҳуқуқий асос яратилганига қарамай, амалий ҳамкорлик салоҳияти етарлича фойдаланилмаяпти. Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича ҳамкорлик ташкилотга аъзо давлатларнинг бирдамлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ХУЛОСА

Марказий Осиё минтақаси мамлакатларининг барқарор тараққиёти ва тинчлиги тўғридан-тўғри кўшни Афғонистондаги вазиятга боғлиқ. Афғон омилининг МОдаги минтақавий хавфсизликка таъсири янада ортиб бормоқда. Мамлакат сиёсий гуруҳлари ўртасидаги ҳамон давом этаётган ва жадал равишда ўсиб бораётган келишмовчилик дунёдаги айрим етакчи давлатларнинг ушбу можарони 2014 йилдан сўнг «унутиш»га уриниши кузатилаётган шароитларда кўшни мамлакатдаги вазиятни мураккаблаштирамоқда.

Совет Иттифоқи ва АҚШ давлатларининг сўнгги 40 йил мобайнида Афғонистондаги можарони ҳарбий йўл билан ҳал қилиш борасида дунёнинг 50 дан зиёд мамлакатлари билан ҳамкорликда амалга оширган ҳаракатлари муваффақиятсизлик билан яқун топди. Улар ҳарбий контингентларни мамлакатдан олиб чиқиб кетишга мажбур бўлишди. Уларнинг мамлакатда узоқ муддат қолиб кетиши тинчлик ва барқарорликни таъминлай олмади, аксинча, аҳоли ва хорижий ҳарбийлар орасида кўплаб кишининг ўлимига, бир неча юз миллиард долларга тенг харажатларга сабаб бўлди, шундоқ ҳам ижтимоий-иқтисодий базаси ва транспорт-коммуникация соҳаси суст ривожланган мамлакатни батамом ҳалокат ҳолатига олиб келди.

Коалициянинг уларга қарши курашаётган афғон ҳарбий гуруҳларини йўқотиш, мамлакатнинг тарқоқ ва бир-бирига душманлик кайфиятида бўлган

сиёсий кучларини яраштириш ва Афғонистонда ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган уринишлари муваффақиятсизликка учради. Афғонистонда ўзаро курашаётган кучлар ўртасида эришилган мўрт келишувлар кўп ўтмай бузилди, жиҳозланган инфратузилма объектлари кўп ҳолларда яроқсиз ҳолга келтирилди ёки улардан самарасиз фойдаланилгани боис кутилган ижобий натижаларни бермади.

Географик қўшничилик ҳамда яқин тарихий, маданий-гуманитар алоқалар сабабли Афғонистондаги ҳарбий можарони ҳал қилиш МО минтақавий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бири бўлиб қолмоқда. Биз томонимиздан Афғонистондаги ҳозирги вазият ривожининг ҳамда АИР томонидан МО минтақавий хавфсизлигига солинаётган таҳдидларнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинди. Тадқиқот натижалари бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Афғон можаросининг чуқур тарихий сабабларига эътибор қаратилса, биринчи бўлиб, мазкур мамлакатда XIX аср ўрталаридан бери давом этиб келаётган «Катта ўйин» номли ҳолат, яъни дунёнинг йирик мамлакатлари манфаатларининг тўқнашувини қайд этиш жоиз. Афғонистоннинг Евросиё марказида геосиёсий жойлашуви мамлакатнинг ҳозирги беқарор ҳолатини белгилаб берди. Мазкур вазият МОдаги тараққиётга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳарбий можарони тартибга солишдан манфаатдор бўлган барча ички ва ташқи кучлар вазиятни изга солишга чинакам қизиқиш билдирмас ва бу борада фаол иштирок этмас экан, Афғонистонда тинчликка эришиб бўлмади.

2. Хавфсизликка кўмаклашувчи халқаро кучлар (АЙСАФ) операцияси бошланганидан бери ўтган сўнги 15 йил мобайнида Афғонистонда янги самарали ва лаёқатли давлат тизимини шакллантиришнинг иложи бўлмади. АИРда давлат қурилишининг ғарбий моделини киритиш бўйича уринишлар кутилган натижаларни бермади. Афғон ҳукумати зарур бўлган профессионалик ва тайёргарлик даражаси, шунингдек, мувофиқлаштириш қобилиятини кўрсата олмай, кўп ҳолларда турли даражадаги сиёсий манфаатлар тўқнашуви кузатилаётган майдонга айланиб қолмоқда.

3. Барқарор, тинч ва башорат қилиш мумкин бўлган Афғонистон нафақат минтақавий, балки халқаро хавфсизлик тизимининг ҳам мустаҳкамланишига хизмат қилади. Ушбу шароитда биринчи навбатда эътиборни мамлакатдаги таълим соҳасига қаратиш зарур деб ҳисоблаймиз. Мазкур соҳанинг ривожланиши можарони тартибга солиш учун асос яратиб бериши мумкин. Бутун халқаро ҳамжамият Афғонистонда таълим тизимини ривожлантириш ва кенгайтиришга ўз хиссасини қўшиши мумкин ва лозим. Мамлакат келажаги айнан шунга боғлиқ.

4. АИР тинч аҳолиси ўртасида ҳарбий тўқнашув қурбонлари сонининг ортиб бориши мамлакатда кўплаб ташқи кучларга, айниқса, мамлакатда ташқи ҳарбий кучларнинг мавжудлигига нисбатан адоватли ва душманлик кайфияти шаклланишига олиб келди. Бундай салбий муносабат уларнинг Афғонистондаги ноҳарбий фаолиятига нисбатан ҳам кўрсатилиб,

мамлакатнинг кучли хорижий давлатлар қўллаб-қувватлаётган ҳукуматига ишончсизлик ҳолатлари кўпайишига ҳам сабаб бўлмоқда. Ўз навбатида, бу АИРда вазиятни изга солиш ҳамда мамлакат тараққиёти истиқболлари бўйича ички умумий келишув мавжуд бўлмаган вақтда кўзга ташланмоқда.

5. Афғонистонда давлат ҳукуматининг марказий ва маҳаллий бошқарув органлари даражасидаги янги тизимини шакллантириш жараёни қийин кечиб, ушбу жараён мамлакатда унитар ва марказлашган бошқарув шаклини ярата олмади. Мамлакатда ҳарбий можаронинг узоқ давом этгани, тарихий хусусиятлари ҳамда кадриятларнинг ўзига хослиги таъсирида афғон провинцияларининг Қобулдаги ҳукуматнинг бевосита назорати остида эмас, балки маълум даражада автоном равишда ўз фаолиятини олиб бормоқда

6. Афғонистон жамоатчилигини бирлаштира олиш можарони ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Фикримизча, ҳақиқий кўп миллатли ва турли дин вакиллари истиқомат қилувчи жамиятни шакллантиришга тадрижий йўл билан – мамлакат аҳолисининг янги ўзлигини шакллантириш бўйича пухта ишланган ва асосланган давлат сиёсатини олиб бориш орқали эришиш мумкин. Мазкур ўзига хослик аввалгисидан аста-секинлик билан диний фундаментализмдан узоқлашиш, ҳозирда устувор бўлган мамлакат аҳолисини этник ва қабилавий гуруҳларга бўлиб аниқлашдан фарқли равишда, энг аввало, умумафғон ўзлигини шакллантириш, афғон жамияти ҳар бир аъзосининг замонавий таълим олиш ва ўз устида ишлашга интилиши билан фарқланади. Таълим тизимини ривожлантириш, шунингдек, таълим дастурлари ва бағрикенглик ғояларини тарғиб қилувчи диний арбобларни тайёрлаш дастурларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши барқарор тараққиёт мақсадларига эришишнинг асосига айланиши мумкин.

7. Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, уни иқтисодий қайта тиклаш ва танглик ўчоғидан шаффоф, барқарор ривожланаётган давлатга айлантиришга фақатгина афғонларнинг ўз ташаббуслари ва ўз бошқаруви остида эришиш мумкин. Бунинг учун афғон ҳукумати АИР аҳолисини бирлаштириш, мамлакат иқтисодиётини қайта тиклаш, қуроли кучларни мустаҳкамлаш, зарур инфратузилмаларни қуриш, шу билан бир вақтда, ўз фаолиятини олиб бориш учун ёрдамни хориждан эмас, Афғонистоннинг ўзи ва жамиятидан излашга қодир ва тайёр етакчиларни тайинлаши зарур.

8. Хавфсизликка кўмаклашувчи халқаро кучлар (АЙСАФ) сафининг кенгайтирилиши вазиятни тубдан барқарорлаштиришга олиб келмади. Афғон можаросини ҳал қилишда қўлланилган ҳарбий усуллар самара бермаганлигини қуйидаги мисолда кўриш мумкин: Афғонистонда халқаро кучлар миқдори энг юқори кўрсаткич – 132 минг кишига етган 2011 йилда кўзғолончиларга қарши қурашаётган барча қуроли кучлар 420 минг кишидан зиёдни ташкил этди, бироқ улар рақибларининг устидан сезиларли даражада ғалаба қозона олмади. 2016 йилда АИР Қуроли кучлари 382 мингдан зиёд кишини ташкил этди, бу даврда мамлакатда яна НАТО мамлакатларнинг 13 минг ҳарбийлари ҳам мавжуд эди. Ҳатто шундай катта миқдордаги хавфсизлик кучлари армияси орқали ҳам мамлакатда вазиятни назоратга олиш ва Афғонистонда тинчлик ўрнатишнинг иложи бўлмади.

9. 2014 йил ҳарбий кучлар асосий қисмининг мамлакатдан чиқиши ўзаро курашаётган томонлар ўртасида музокаралар жараёни фаоллашишига рағбат бўла олмади. Куролли муҳолифат тинчлик музокараларига жиддий ва барқарор қизиқиш билдирмади. Муҳолифатнинг мурасасиз қаноти вакиллари ҳамда уларнинг тарафдорлари енгилганини ҳис қилмаяпти. Ўз навбатида турли этник гуруҳлар тинчлик музокараларида уларнинг манфаатлари ҳам инобатга олинмаса, уларни қўлламаслигини очиқ билдириб ўтди.

10. Дунёнинг етакчи мамлакатлари ташқи сиёсати асосий йўналиши ҳамда уларнинг манфаатлари тўқнашуви бугунги кунда Яқин Шарқ минтақаси ва Осиё-Тинч океани минтақасида кузатилаяпти. Бироқ Афғонистон ва МОНинг ушбу давлатлар ўртасидаги кенг қамровли қарама-қаршилигининг яна бир майдонига айланиши мумкинлигини инкор этмаслик керак. Афғонистондаги ҳозирги ҳолат ва МОдаги минтақавий муаммолар, хусусан, чегара билан боғлиқ масалаларнинг тартибга солинмаганлиги, сув ресурслари тақсимоти, мамлакатлар ўртасида зарур бўлган даражада ишончнинг мавжуд эмаслиги, Афғонистон ва МОНи беқарор вазият минтақасига айлантириб, ташқи таъсирга имкон яратади.

11. АИРдаги ҳозирги вазият кўшни мамлакатларнинг ва манфаатдор турли ташқи давлатларнинг ҳарбий бўлмаган конструктив иштирокисиз можарони ҳал қилиб бўлмаслигини тасдиқламоқда. Минтақавий ва глобал хавфсизликка нисбатан кучайиб бораётган таҳдидларни фақатгина ҳамкорликда бир маромга келтириш мумкин. Замонавий глобаллашган дунёда минтақавий хавфсизлик муаммоларини халқаро хавфсизликдан ажратган ҳолда ўрганиб бўлмайди.

12. Ўтган даврдаги Афғонистондаги воқеалар ривожининг таҳлили кўшни мамлакатлар ва халқаро ҳамжамиятда АИРни барқарорлаштириш масаласи бўйича ҳамкорлик қилиш учун ҳали фойдаланилмаган катта имкониятлар борлигини кўрсатди. Мазкур йўналишдаги ҳаракатларни биргаликда олиб бориш барча томонларнинг манфаатларига мос келади.

13. Марказий Осиё давлатлари Афғонистонда тинчлик ўрнатилишида муҳим рол ўйнаши мумкин. Ушбу масалада сусткашлик ва тарқоқлик минтақа мамлакатлари манфаатларига тўғри келмайди. МО мамлакатлари минтақадаги ҳодисалар ва жараёнларда ўзларини геосиёсат объекти сифатида кўришдан қочиб, ҳаракатларни ташаббус ва ғайрат билан амалга ошириши, геосиёсатнинг тўлиқ субъектларига айланиши лозим. МО ва унинг Афғонистон бўйича ёндашуви кучли ташқи акторларнинг ташқи сиёсий дастурлари доирасида эмас, балки минтақанинг ичида шаклланиши зарур.

14. Тадқиқот жараёнида ўрганилган афғон можаросини ҳал қилиш борасидаги ташаббусларда кўрилаётган жараённинг муҳим иштирокчилари фикрлари инобатга олинмагани боис, улар ўзининг ижобий натижасини бермади. Ташаббуслар пухта ишлаб чиқилмаган, уларда ижтимоий-маданий омиллар эътиборга олинмаган, Афғонистонда ўзаро курашаётган кучлар ўртасида медиаторлик вазифасини бажарган мамлакатларнинг ҳаракатларида тарқоқлик кўзга ташланиб турган.

15. Тан олиш лозимки, Афғонистондаги халқаро операция МО минтақасига ҳужум қилиш учун афғон ҳудудидан негиз сифатида фойдаланаётган террорчилик гуруҳлари томонидан Марказий Осиё мамлакатлари хавфсизлигига кўрсатилган тўғридан-тўғри таҳдидни маълум даражада камайтирди. Ушбу гуруҳлар коалиция ва ҳукумат армияси кучлари билан жанг олиб боришга мажбур бўлди. Натижада улар сезиларли йўқотишларга учради, уларнинг ҳарбий салоҳияти ва АИРдаги тайёргарлик амалга оширилувчи базаларига катта зарба берилди. Шунга қарамай, улар бутунлай йўқ қилингани, улар томонидан минтақавий хавфсизликка солинаётган таҳдидлар олди олингани ҳақида хулоса қилишга ҳали эрта. Мазкур гуруҳлар ҳамон айрим афғон провинциялари ҳамда яхши назорат қилинмайдиган Афғонистон ва Покистон чегара ҳудудларида кичик отрядлар билан ҳаракат қилмоқда.

16. МО минтақаси ва халқаро ҳамжамият учун гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш бўйича дунё етакчилигига эга бўлиб олган АИР ҳамон катта хавф туғдирмоқда. Афғонистонда гиёҳванд моддаларни ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва уларни кўшни РФ, ЕИ, ХХР ва бошқа давлатлар орқали олиб ўтиш ўз навбатида коррупция даражаси ошишига, ижтимоий-иқтисодий муаммолар чуқурлашувига хизмат қилиб, терроризмни ҳам молиялаштириш манбаига айланмоқда, айрим мамлакатларда эса ҳукумат институтлари фаолиятининг бузилиши ва вазият ёмонлашишига олиб келмоқда.

17. Ғарбий давлатлар ва АҚШнинг Афғонистонда ҳарбийларни сақлаб қолиш ва уларнинг сонини ошириш борасидаги уринишлари Марказий Осиё мамлакатлари миллий хавфсизлиги ҳамда минтақавий хавфсизликни таъминлашга хизмат қилмаяпти, геосиёсий рақобат ва ҳарбийлаштириш минтақада танглик ва ишончсизликни келтириб чиқармоқда.

18. МО давлатлари томонидан афғон муаммосини секьюритизация қилиш даражасини маълум миқдорда сусайтириш сиёсий, иқтисодий, маданий ва гуманитар алоқаларни ривожлантиришга кўмак бериши мумкин. Афғон муаммосини узлуксиз бўрттириб кўрсатиш, унинг минтақа мамлакатлари вакиллари расмий чиқишларида тез-тез хавфсизликка таҳдид сифатида такрорланиши ушбу мамлакатлар ичида Афғонистоннинг ниҳоятда салбий имиджи шаклланишига олиб келиб, МО ва АИР бизнес алоқалари ўрнатилишига тўсқинлик қилмоқда. Бундан ташқари, дунё ҳамжамияти эътиборини афғон муаммосига юқори даражада қаратиш МО давлатларининг ўзида хавфсизлик соҳасида нобарқарор вазият мавжудлиги билан боғлиқ нотўғри хулосалар шаклланишига, бунинг натижасида афғон можаросига кўшни ҳудудларда янги компаниялар очиш, сармоялар киритиш билан боғлиқ сохта хавф-хатарлар боис ушбу мамлакатларнинг инвестиция жалб этиш салоҳиятини пасайишига сабаб бўлмоқда. Минтақа давлатлари ва Афғонистон ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий ва гуманитар муносабатларда мавжуд тақиқларнинг аста-секинлик билан тадрижий бекор қилиш кўрилаётган жараённинг барча иштирокчиларида барқарор тараққиёт ва тинчликка эришиш имконини беради.

19. Ўзбекистон Афғонистонда барқарор вазиятни ўз назоратида сақлай оладиган ҳукумат органларига эга ривожланаётган давлатни шакллантириш тарафдори саналади. Фақат шундай шароитдагина минтақа хавфсизлигини таъминлаш мумкин, ва бу – шубҳасиз, Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётига хизмат қилади. Ўзбекистон томонидан Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун сезиларли ёрдам кўрсатилмоқда. Афғонистондаги бугунги ҳолат Ўзбекистон учун иккитомонлама муносабатларни янада ривожлантириш ҳамда кўшни мамлакатдаги можаровий вазиятни тартибга солиш бўйича чоралар таклиф қилиш борасида янги потенциал имкониятларни яратмоқда.

Олиб борилган кенг қамровли тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда муаллиф томонидан афғон можаросини тартибга солиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Афғонистон йўналишидаги сиёсатини мукамаллаштириш бўйича қуйидаги бир неча **таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқилди.

1. Сўнги 40 йил мобайнида Афғонистонда марказлашган унитар кўринишдаги бошқарувнинг жиддий камчиликлари кўзга ташланди. Умумхалқ референдумида тасдиқланган шароитда, федератив сиёсий тузилмага ўтиш провинциялар ҳокимиятининг хавфсизлик ва иқтисодий тараққиётга эришиш борасидаги масъулияти ошишига, шунингдек, провинциялар ва турли сиёсий гуруҳлар вакилларининг фикрлари инobatга олинishiга хизмат қилиши мумкин. Сиёсий гуруҳлар, уруғлар ва қабиалар манфаатлари тўқнашуви Афғонистонни марказлаштиришга тўсқинлик қилмоқда. Шубҳасиз, қайд этилган фикрлар, аввало, афғон олимлари, сиёсий ва жамоат арбоблари иштирокида кенг доирада муҳокама қилиниши зарур. Ушбу шахслар кўриляётган масала бўйича ўз қарашларини аниқлаб олиб, муаммо ечимини ишлаб чиқишга тайёр эканлигини кўрсатишлари лозим.

2. Афғонистондаги курашаётган томонлар учун музокаралар майдонини яратиш бўйича ташаббуснинг Ўзбекистон томондан илгари сурилиши аввал билдирилган «6+3» алоқа гуруҳини яратиш бўйича таклифга асосланиши ва унинг мантиқий давомига айланиши мумкин. Ушбу форумда МОдаги барча мамлакатлар, Хитой, Россия, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, ушбу музокараларга АҚШ қўшилиши таклифи билан Туркия, ЕИнинг етакчи давлатлари (Буюк Британия, Германия, Франция, Италия) ҳамда Форс кўрфазидаги араб монархиялари (Саудия Арабистони, Қатар ва БАА) иштирок этиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Мазкур музокаралар майдонининг муҳим универсал халқаро ташкилот бўлган БМТ ҳамда хавфсизлик ва тараққиётни таъминлашнинг муҳим минтақавий механизми саналган ШХТ шафелигида ташкил этиш форумнинг самарадорлиги ва мавқеига хизмат қилиши мумкин. Форумда Афғонистонда курашаётган барча кучларнинг иштирокини таъминлаш ҳамда уларга ўз таклифлари, қизиқишлари, манфаатлари ва пировард мақсадларини билдиришлари учун платформа яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу масалада ШХТ ноёб ташкилот саналади, негаки унинг деярли барча аъзолари – МО давлатлари (Туркменистондан ташқари, бироқ Ашхобод бир неча бор ШХТ давлатлари раҳбарлари кенгашида фахрли меҳмон сифатида

иштирок этган), Россия, Хитой (тўлиқ аъзо сифатида), Покистон, Ҳиндистон (янги аъзолар сифатида), Эрон, Афғонистоннинг ўзи (кузатувчилар сифатида) ва Туркия (мулоқот ҳамкори сифатида) афғон муаммосини ечишга ҳисса қўшиш имкониятига эга. Мазкур форумни ташкил қилиш бўйича ташаббус ҳамда БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгаши қарорлари билан форум фаолиятини ҳуқуқий мустаҳкамлаш ушбу платформага халқаро-ҳуқуқий мақом ва эътироф тақдим этади.

3. Таклиф этилаётган музокаралар майдонини яратиш мақсадида мазкур ташаббус машҳур хорижий ва миллий олимлар, тадқиқотчиларни жалб этган ҳолда конференциялар, давра суҳбатлари, илмий семинарларда кенг муҳокама қилиниши зарур. Ушбу таклифни муҳокама қилиш учун Тошкент шаҳрида юқорида қайд этилган давлатларнинг ТИВ, етакчи ҳукумат ва ноҳукумат таҳлил марказлари вакиллари иштирокида олий даражадаги конференция ташкил этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси элчихоналари кўмаги билан қабул қилувчи давлатларда Марказий Осиё ва Афғонистон хавфсизлиги муаммоси, шу жумладан, халқаро терроризм ва гиёҳванд моддалар савдоси кўринишидаги таҳдидлар масалалари бўйича етакчи олимлар ва мутахассислар жалб этилган ҳолда бир неча тадбирлар кетма-кетлигини ташкиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистондаги таҳлил марказларининг санаб ўтилган давлатлардаги нуфузли тадқиқот тузилмалари билан ҳамкорликда илгари сурилаётган ташаббусни ўрганиш ва уни баҳолаш бўйича мақолалар тўпламларини босиб чиқариш имкониятларини кўриб чиқиш зарур деб ҳисоблаймиз.

4. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактабида Афғонистон ва у билан боғлиқ Марказий Осиёдаги хавфсизлик муаммолари бўйича махсус курс жорий қилиш ушбу масалаларни ўрганишни кенгайтиришга хизмат қилиши мумкин.

5. Афғонистонда гиёҳванд моддалар ишлаб чиқаришга қарши курашни янада кучайтириш зарур. Марказий Осиё мамлакатлари мазкур масалада катта ёрдам бера олиши мумкин. Масалан, Олма-отада ташкил этилган «Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларининг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот мувофиқлаштириш маркази» доирасида. Марказий Осиё мамлакатлари, РФ, ХХР, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, АҚШ, ЕИ ва Афғонистоннинг гиёҳвандликка қарши ваколатли идоралари ҳамда бошқа манфаатдор мамлакатлар ўртасида ҳамкорликнинг зарурий ҳуқуқий асосларини яратиш, гиёҳванд моддалар синдикатларини, наркотик воситалар ишлаб чиқариш лабораторияларини йўқ қилиш ва Афғонистон ҳудудига хориждан прекурсорлар етказиб берилишини олдини олиш бўйича ўзаро келишилган йирик операциялар олиб бориш орқали ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш зарур.

6. Ўзбекистоннинг Афғонистонни истиқболли қайта тиклашдаги иштирокида бутун эътиборни зарур иқтисодий инфратузилма яратиш, таълим

ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга қаратиш мақсадга мувофиқ. Республиканинг иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, аввалига Ўзбекистон билан чегарадош бўлган афғон провинцияларида камхарж лойиҳаларни амалга оширишга эътибор бериш лозим деб ҳисоблаймиз. Таълим ва тиббиёт объектларини қуриш, архитектуравий кўриниши бўйича Ўзбекистондаги диққатга сазовор жойларга яқин бўлган тарихий ёдгорликларни қайта тиклашда иштирок этиш, шунингдек, маданий хордиқ масканларини барпо этишда қатнашиш, шубҳасиз, икки республика аҳолиси ўртасида ўзаро тушуниш, яхши кўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади, бу эса мамлакатимизнинг Афғонистон ва халқаро аренадаги мавқеини мустаҳкамлайди.

7. Афғонистонга маҳсулот етказувчи миллий компанияларни қўллаб-қувватлаш ва уларга имтиёзлар тақдим этиш уларни янги бозорларни қидиришга ундаб, мамлакатларимиз ўртасида савдо алмашинуви ўсишига олиб келиши мумкин. АИРда маҳсулот ишлаб чиқариш ривожланмаганлиги инобатга олинса, Ўзбекистоннинг сезиларли саноат салоҳияти, муҳим темирўл маршрути билан географик яқинлиги республикамизга Афғонистон билан савдо қилишда устунликлар беради.

8. Биринчи босқичда нисбатан тинч шимолий провинциялар ва Қобулда афғонистонлик ҳамкорлар кўмаги билан компанияларимизнинг дилерлик тармоқларини очиш ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар учун хавф-хатарларни камайтириб, экспорт қилиш салоҳиятини оширишга ёрдам беради. АИРга экспорт қилинадиган истиқболли товарлар сирасига озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш товарлари, тери маҳсулотлари, енгил ва автомобил саноати маҳсулотлари, маиший техника, кимёвий ўғитлар ва б. киради. Афғонистон импортининг ҳажми 7 миллиард АҚШ доллари, ҳамда ЎЗР ва АИР ўртасидаги савдо алмашинуви ҳажми 600 миллион АҚШ доллари эканлиги инобатга олинса, Ўзбекистон томони ҳали амалга оширилмаган катта салоҳиятга эга эканлиги маълум бўлади.

9. Фикримизча, иқтисодий соҳада Ўзбекистондан Афғонистон бозорига экспорт қилинаётган маҳсулотлар рўйхатини кенгайтиришни давом эттириш мақсадга мувофиқ. Афғонистонга «JV MAN Auto-Uzbekistan» МЧЖ ҚК ишлаб чиқарувчи катта юк автомобиллари, «СамАвто» МЧЖнинг автобус, кичик ва ўрта қувватли юк автомобиллари, миллий фармацевтик компаниялар даволаш воситалари, мебель маҳсулотлари, қурилиш материаллари (қуруқ қурилиш аралашмалари, цемент, темир-бетон маҳсулотлари, алюмин-композит панеллар, дераза ва эшиклар ишлаб чиқариш учун поливинилхлорид профиллар – кесимлар), электр ва техника қурилмалари, ойна ва фарфордан ясалган миллий маҳсулотлар, текстил маҳсулотлари ва бошқаларни етказиб беришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

10. Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида тўғридан-тўғри авиаалоқа мавжуд бўлмаган шароитда иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга эришиш қийин кечади. Ушбу алоқаларни ҳам йўлга қўйиш ҳукуматлараро даражада муҳокама қилинган. Фикримизча, хавфсизлик соҳасидаги вазиятни инобатга олган ҳолда биринчи босқичда Тошкент ва Қобул, Мозори Шариф

аэропортлари ўртасида авиаалоқаларни йўлга қўйиш масаласини ишлаб чиқиш мумкин.

11. Афғонистонда ўзаро фойдали инфратузилма яратишга ҳаракат қилиш зарур. Ўзбекистонлик қурувчилар ўзларининг мазкур мамлакатда темирйўл ўтказишда тўплаган тажрибаларидан келиб чиқиб, йирик объектлар барпо қилишда ҳам, жумладан, Эрон темирйўл тизимига боғланиш учун Мозори Шарифдан Ҳиротга темирйўл линиясини давом эттиришда иштирок этиши мумкин. Бундай лойиҳалар учун халқаро кредитлар ва грант воситаларидан фойдаланиш ҳам мумкин. Ўзбекистон коммуникация учун жуда муҳим бўлган Саланг доволанини халқаро донорлар кўмаги билан таъмирлаш ва реконструкция қилишда ҳам қатнашиши мумкин.

12. МОда Афғонистондан чиқаётган таҳдидлар жиддийлигини инобатга олган ҳолда афғон муаммоси бўйича минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш МО минтақаси мамлакатлари иштирокида Афғонистон йўналишидаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш бўйича минтақавий кенгаш механизмини яратишнинг мустаҳкам асосига айланиши мумкин. МО мамлакатларининг Афғонистонга нисбатан ўзаро келишиб ишлаб чиққан позицияси умумий манфаатларни янада изчил ва принципиал ҳимоя қилиш ҳамда минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга олиб келади. Минтақавий муаммоларни муҳокама қилиш қаторида афғон можаросини ҳам ҳал қилишга алоҳида эътибор берувчи МО мамлакатлари ТИВ раҳбарлари даражасида доимий фаолият юритувчи Кенгаш тузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

13. Туркманистон ва Тожикистон билан ҳамкорликни ривожлантириш ва чегарадош ҳудудлардаги ҳолат ҳақида маълумот алмашиниш бўйича музокаралар олиб бориш, уч мамлакатнинг чегара идоралари ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини яратиш минтақавий хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади

14. Афғонистон билан ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим қисми, шубҳасиз, маданий ва гуманитар соҳадаги алоқаларни кенгайтиришдир. АИРнинг шимолий провинцияларида фестиваллар ва машҳур ўзбек санъаткорлари концертларини ташкиллаштириш Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш ва ўзаро тушунишнинг юқори даражаси ўрнатилишига ёрдам беради. АИР ҳукумати билан келишган ва хавфсизлик кафолатини таъминлаган ҳолда Ўзбекистондаги етакчи театр труппаларининг айим афғон провинцияларига гастролларини ташкил этиш масаласини ҳам кўриб чиқиш мумкин.

15. Маданий ва гуманитар ҳамкорликнинг муҳим бир таркибий қисми таълим соҳасидаги ҳамкорликдир. Афғон талабаларининг Афғонистондаги етакчи олий таълим муассасаларида таълим олишини ташкиллаштириш масаласини ишлаб чиқиш зарур. АИРнинг олий малакали кадрларга сезиларли эҳтиёжи борлигини инобатга олиб, афғон талабаларининг (илк босқичларда йилига 20-30 киши) куйидаги мутахассисликлар бўйича таълим олиши учун шароитлар яратиш мумкин: инженер-техник, қурилиш, соғлиқни сақлаш, педагогика, бошқарув, ахборот-коммуникация технологиялари. Биринчи босқичда мазкур дастурни унча катта бўлмаган миқдордаги афғонистонлик

тингловчилар учун бир академик семестр давом этувчи курс сифатида ташкил этиш мумкин. Ушбу тажрибавий дастур муваффақиятли амалга оширилса, талабалар миқдори ва дастур давомийлигини оширишни режалаштириш мумкин. Таълим тили ўзбек тили бўлган афғон мактаблари ва ОТМни керакли ўқув (Афғонистон таълим нормаларига мослаштирилган ҳолда) ва бадиий адабиётлар билан таъминлаш фойдадан ҳоли бўлмайди, деб ҳисоблаймиз.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
№DSc.27.06.2017 Tar/Yu/I/S/24.01 UNDER THE UNIVERSITY OF WORLD
ECONOMY AND DIPLOMACY**

**MINISTRY OF FOREIGN AFFAIRS
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
UNIVERSITY OF WORLD ECONOMY AND DIPLOMACY**

UMAROV AKRAM AZAMATOVICH

**THE AFGHAN FACTOR IN THE REGIONAL SECURITY OF CENTRAL
ASIA AT THE BEGINNING OF THE XXI CENTURY**

**23.00.04. – Political problems of international relations, global
and regional development**

**ABSTRACT OF DISSERTATION
of the Doctor of Philosophy (PhD) in Political Science**

Tashkent – 2017

The theme of the dissertation (PhD) was registered at the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan with number B2017.2.PhD/Siyos37.

The dissertation is prepared at the University of World Economy and Diplomacy.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, Russian and English (resume)) on the website of the Scientific Council (www.uwed.uz) and Information-educational portal «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Scientific supervisor: **Faizullaev Alisher Amanullayevich**
Doctor of Science in Political Science, Professor

Official opponents: **Tulyaganova Nikhola Uzbekovna**
Doctor of Science in Political Science, Professor

Bobokulov Inomjon Ibragimovich
Doctor of Science in Law, Associate Professor

Leading organization: **Institute for Strategic and Regional Studies under the President of the Republic of Uzbekistan**

The defense of the dissertation will be held on _____ “_____”, 2017 at _____ at the session of Scientific Council DSc.27.06.2017 Tar/Yu/I/S/24.01 at the University of World Economy and Diplomacy (Address: 100192, Tashkent, Mustakillik avenue, 54. “B” building, room №103). Phone: (998971) 267-67-69; fax: (998971) 267-09-00; e-mail: rektorat@uwed.uz).

The doctoral dissertation is available at the Information Resource Center of the University of World Economy and Diplomacy (registered No. ____). (Address: 100192, Tashkent, Mustakillik avenue, 54. Phone: (998971) 267-67-69).

Abstract of the dissertation was circulated on _____ “_____”, 2017
(Registry protocol No. ____ of _____ “_____”, 2017).

I.A. Khamedov
Chairman of the Scientific Council
awarding scientific degrees,
Doctor of Science in Law, Professor

N.A. Nugmanov
Scientific Secretary of the Scientific Council
awarding scientific degrees,
Doctor of Philosophy in Law, Associate Professor

K.A. Jurayev
Chairman of the Scientific Seminar under
the Scientific Council awarding scientific degrees,
Doctor of Science in Political Science, Associate Professor

INTRODUCTION (abstract of doctoral dissertation)

The aim of the research is to identify the importance and degree of influence of the factor of Afghanistan on regional security in Central Asia.

Objectives of the research:

- study the history of the evolution of the Afghan conflict after 2001;
- assess the current state of the Afghan conflict, explore the approaches of the regional countries to resolve the conflict in the IRA;
- identify the main trends for the further development of the situation in the sphere of ensuring regional security in Central Asia and their impact on the Republic of Uzbekistan;
- identify problems that complicate the process of national reconciliation in Afghanistan at the present stage;
- to investigate the influence of the history, traditions and spiritual values of the Afghan people on the current situation in the country;
- to elaborate recommendations and proposals in determining the priorities of the foreign policy of the Republic of Uzbekistan in establishing peace and stable development of Afghanistan.

The scientific novelty of the research is as follows:

systematically disclosed the stages of formation and development, scientific foundations and strategic priorities of Uzbekistan's foreign policy on the peaceful settlement of the Afghan conflict;

internal political instability, socio-economic tensions, inadequate interests of external forces and the activity of various terrorist groups are identified as the main causes of the conflict situation in Afghanistan;

based on the peaceful policy of Uzbekistan, proposals and recommendations for further expansion of Uzbek-Afghan cooperation by specific programs in various fields were developed;

the importance of coordinating the approaches of the countries of Central Asia to stabilize the difficult situation in Afghanistan and further strengthening their cooperation with the international community in supporting the process of establishing constructive dialogue between the Afghan political forces is substantiated.

Implementation of research results. Based on the results of the research:

A number of author's assessments and conclusions about the current military and strategic situation and the domestic political situation in Afghanistan, the intensification of Uzbek-Afghan cooperation in the political, economic and cultural-humanitarian spheres and proposals to increase the volume of exports of national goods to the IRA have been taken into account the Ministry of Foreign Affairs of Uzbekistan in the process of building a new foreign policy course of Uzbekistan towards Afghanistan (act of implementation from the Ministry of Foreign Affairs No. 12/6199, February 21, 2017). As a result, the bilateral trade turnover increased and the commodity nomenclature expanded, and Uzbek-Afghan trading houses were opened.

The main provisions and conclusions of the work were used by the Ministry of Defense of the Republic of Uzbekistan in preparation of information and analytical notes on the improvement of defense policy, the constant monitoring of potential threats and challenges to the national security of Uzbekistan from Afghanistan, as well as in the development of bilateral intergovernmental agreements (act of implementation from the Ministry of Defense of the Republic of Uzbekistan No. 03/82, February 10, 2017). As a result, the defense policy of our country has been improved, and drafts of bilateral intergovernmental agreements have been developed.

The recommendations of the thesis were taken into account by the Institute for Strategic and Regional Studies under the President of the Republic of Uzbekistan during the formation of proposals for the consideration of the relevant ministries and departments to intensify and expand cooperation with Afghanistan, during meetings and discussions with foreign scientific and analytical centers, as well as leading experts in the sphere of security (act of implementation from the Institute for Strategic and Regional Studies under the President of the Republic of Uzbekistan No. 02/151, February 15, 2017). These proposals served as a serious expansion of cooperation between Uzbekistan and Afghanistan, as well as intensification of international scientific and practical cooperation to study the influence of the Afghan conflict on regional security.

Thesis was used by the Information and Analytical Center of International Relations in the process of preparing information and analytical materials devoted to the problems of the situation development in Afghanistan and its impact on the security and stability of the Central Asian region (act of implementation from the Information and Analytical Center for International Relations No. 05/15, February 17, 2017). The conclusions and recommendations of the work contributed to the study of the negative impact of the situation in Afghanistan on regional security in Central Asia and the development of proposals for its elimination.

Publication of research results. 10 scientific papers were published on the research topic, including scientific publications recommended for publication of the main scientific results of the doctoral dissertation by the Higher Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan (4 articles were published, including 3 in national journals and 1 in international journal).

Structure and volume of the dissertation. The work consists of an introduction, three chapters, eight paragraphs, a conclusion, a list of references. The volume of the dissertation is 146 pages (without list of references).

**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ НАУЧНЫХ РАБОТ
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ
LIST OF PUBLISHED SCIENTIFIC WORKS**

I часть (I бўлим; I part)

1. Умаров А.А. Перспективы участия ШОС в стабилизации ситуации в Афганистане. // Международные отношения. – Ташкент, 2010. - № 1. – с. 35-38. (23.00.04; №11)
2. Умаров А.А. «Афганский фактор» во внешней политике Узбекистана (90-е годы XX века) // Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари. – Тошкент, 2015. - №1. б.68-74. (23.00.04; №1)
3. Умаров А.А. Движение «Талибан» после 2014 г: состояние и перспективы. // “Научный вестник” Самаркандского государственного университета. – Самарканд, 2016. - №4. с.18-25. (23.00.04; №8)
4. Умаров А.А. Стратегические инициативы США и Китая в Центральной Азии. // Сравнительная политика (МГИМО). – Москва, 2015. - №1. – б.128-138. (Web of Science (Web of Knowledge) №1, Bielefeld Academic Search Engine №13, Ulrich’s Periodicals Directory №18).
5. Умаров А.А. Политика КНР по урегулированию конфликта в Афганистане на современном этапе. // Материалы Международного молодежного научного форума «Ломоносов-2016» / Отв. ред. И.А. Алешковский, А.В. Андриянов, Е.А. Антипов. — М.: Макс Пресс, 2016. ISBN 978-5-317-05237-9
6. Umarov A.A. “Islamic State” in Afghanistan: grounds and consequences. // Collection of Research Papers on Regional Peace and Security (ed. by Ulugbeck Khasanov). UWED – Tashkent, 2017. - p.110-124.
7. Умаров А.А. Участие Узбекистана в урегулировании ситуации в Афганистане. // «Замонавий халқаро муносабатлар ва Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. - Тошкент, 2010. - 14-жилд. - б. 134-137.
8. Умаров А.А. Интересы Ирана в Афганистане. // «Ижтимоий фанларнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги иккинчи анъанавий илмий-услубий конференция материаллари тўплами. Тошкент давлат шарқшунослик институти – Тошкент, 2011. - б. 146-149.

II часть (II бўлим; II part)

1. Умаров А.А. Интересы Китая в Афганистане. // «Баркамол авлод билан буюк келажак сари» мавзусидаги республика олий ўқув юртлари иқтидорли магистрантлари илмий-амалий анжумани мақолалари тезислари. - Тошкент, 2010. - 15-жилд. - б. 7-9.
2. Умаров А.А. Интересы России в Афганистане на современном этапе. // «Баркамол авлод билан буюк келажак сари» мавзусидаги республика олий ўқув юртлари иқтидорли магистрантлари илмий-амалий анжумани мақолалари тезислари. - Тошкент, 2010. - 15-жилд. - б. 27-30.

Автореферат Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети таҳририясида
таҳрирдан ўтказилиб, рус, ўзбек ва инглиз тиллардаги матнлар ўзаро
мувофиқлаштирилди (14.12.2017)

Босишга рухсат берилди: 15.12.2017.
Қоғоз бичими 60x44 ^{1/16} . Times New Roman гарнитураси.
Шартли босма табағи 2,6. Адади 80. Буюртма №1368

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети босмахонасида чоп этилди.
100192, Тошкент, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54

